O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KITOB PALATASI



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 5-avgust • № 32 (3809)

## КАШФИЁТЛАР ФЕСТИВАЛИ

***Истиқлолнинг халқимизга берган энг буюк неъматларидан бири ўзбек миллий маданияти ва санъатининг, яна ҳам аниқроғи, маънавиятининг умуминсоний қадриятлар орасида тутган ўрнини белгилаб берди ва жаҳон халқлари бу хазинадан кенг фойдаланишлари учун бемисл имкониятларни юзага чиқарди.***

Шу маънода 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган, анъанага айланган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ўрни ва роли беқиёсдир. Ўтган IV фестивал қатнашчиси, австриялик Наримон Ҳужжатий шундай деганди: «Европада Самарқандни «Минг бир кеча» эртакларидаги каби шаҳар сифатида биладилар. Аммо унинг қаерга жойлашганини билмайдилар. Мана бу фестивал боис энди қанчадан-қанча европаликлар Самарқанд ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдилар».

Ўйлаймизки, «Шарқ тароналари» фестивали фақат Самарқандни эмас, Ўзбекистонни олам узра машҳур қилаётир. Машҳур санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти ***Муножот Йўлчиева***нинг сўзлари ҳам шу фикрга ҳамоҳангдир:

— «Шарқ тароналари» фестивали бошлангандан буён дунёнинг турли мамлакатларида ўтаётган фестивалларда, тадбирларда қатнашиб келаман. Ҳар сафар борган жойимда, албатта Самарқанддаги фестивал ҳақида сўз боради.

Ўтган йили Москва филармониясида германиялик бир хонанда аёл билан бирга концерт бергандик. Ана шу хонанда «Шарқ тароналари» фестивали ҳақида тўлқинланиб гапириб, унда қатнашиш ҳар қандай ижодкор учун шараф эканини айтди.

Ўзим ҳам қаерга борсам, ҳамкасбларимни Самарқандга таклиф қиламан. Фестивалнинг нуфузи ортиб бораётгани ҳақида-ку, гапирмасак ҳам бўлади. Чунки Самарқандга ҳар бир мамлакатнинг энг кучли ижрочилари келишади. Бу ижрочиларнинг аксариятини дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтадиган анжуманларда кўрганман. Масалан, озарбайжонлик Олим Қосимов бизнинг фестивалда қатнашганди. Кейин у билан 2003 йили «Марказий Осиё мумтоз мусиқаси — Шашмақомни асраб-авайлаш» ЮНЕСКО дастури эълон қилингани муносабати билан ўтган тақдимот маросимида учрашдик. У ерда икковимиз дастуримиздаги энг яхши ашулалардан концерт бердик.

Маълумки, Муножотхон «Шарқ тароналари» I халқаро фестивалида биринчи ўринга сазовор бўлганди. Биз хонандадан мазкур фестивал унга ижодкор сифатида нима бергани билан қизиқдик.

— Энг аввало, «Шарқ тароналари»да турли мамлакатларнинг анъанавий ижрочилик йўлида фаолият юритувчи хонандалари билан танишдик, улар билан бир саҳнада ижод қилдик. Турли миллатга, турли ижро йўналишлари ва мактабларга тааллуқли ашулачиларни тинглаш ҳар қандай санъаткор учун фойдали, деб ўйлайман. Масалан, ўтган фестивалдаги Дилнура Мирзақулованинг ютуғи фақат мен учун эмас, юртимиз санъат мухлислари учун ҳам яхши совға бўлади. Бу, аввало, ёшларимиз орасида анъанавий ижрочиликнинг яхши бир авлоди етишиб чиқаётганидан, уларга ҳукуматимиз томонидан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганидан далолатдир.

Дилнуранинг муваффақиятидан хурсанд бўлганимнинг сабаби шундаки, у ҳузуримга келиб, бир неча дарс олган, қўшиқларимдан ўрганган. Яна бир жиҳати — унинг ютуғи Муҳаммаджон ва Шавкат Мирзаевлар Муножот Йўлчиева билан ҳамкорликда яратган мактабнинг ютуғидир.

Фестивалнинг мен учун қадрли яна бир томони шундаки, 1997 йили қатнашиб қуйлаганимда ЮНЕСКО вакили Норико Айкава хоним назарига тушган эканман. Ўзининг эътирофига кўра, ижроимдан ҳайратга келган Айкава хоним 1999 йили ЮНЕСКО ҳайъати аъзолигига номзодим кўрсатилганда ҳар томонлама маъқуллаган ва бу таклифни директор жаноблари ҳам қўллаб-қувватлаган. Шундай қилиб мен ҳайъатнинг энг ёш аъзоси сифатида тасдиқланганман. Бу фақат менга эмас, юртимизнинг санъатига берилган баҳо, деб биламан.

Шунингдек, бу йил ЮНЕСКО томонидан тайёрланган лойиҳага кўра «Шашмақом»ни кенг тарғиб қилиш ва асраб-авайлаш мақсадида китоблар чиқариш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, таниқли санъаткорларнинг «мастер класс» сабоқларини уюштириш кўзда тутилган ва бу ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Сабоқ берувчи санъаткорлар орасида Турғун Алиматов, Абдуҳошим Исмоилов, Шавкат Мирзаев каби машҳур созандалар қатори менинг ҳам очиқ дарслар ўтказишда қатнашишимда «Шарқ тароналари»нинг ҳиссаси бор деб ўйлайман.

**Г. УМАРОВА**



*Шеърий лаҳза*



**Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири**

## ЎЗБЕК ЭЛИМ

**Лабларинг соф зилолидан, ўзбек элим,**
**Қошларинг қўш ҳилолидан, ўзбек элим,**
**Тилларинг қанду болидан, ўзбек элим,**
**Қуёшингдан, шамолингдан ўзбек элим.**

**Дилга ором ширин-ширин наволаринг,**
**Минг бир дардга даво эрур ҳаволаринг,**
**Айни қуёш маскани кенг самоларинг,**
**Баҳра олгум жамолингдан, ўзбек элим.**

**Куз яйратур майдон-майдон ғаллалари,**
**Дил яйратур оналарнинг аллалари,**
**Жонбахш эрур гўзалларнинг яллалари,**
**Сўзлар кўрку камолингдан, ўзбек элим.**

**Кўксимдаги ширин, нафис туйғуларим,**
**Яна жўшқин, қудрат тўла орзуларим,**
**Кўнгил уйим ёритган бу ёғдуларим —**
**Сўзлар эрку аъмолингдан, ўзбек элим.**

**Авлиёлар, алломалар диёрисан,**
**Янги авлод таронаси, алёрисан.**
**Истиқлолим қўрғонисан, гулзорисан,**
**Айланайин иқболингдан, ўзбек элим!**

## СИЁСАТ ВА МАНФААТ

***Кейинги пайтларда дунё миқёсида юз бераётган айрим воқеаларни кузатган киши сиёсат деганларининг «англаб бўлмас сир» эканлигига ишончи комил бўлади. Негаки у вазиятга қараб, манфаатдан келиб чиқиб ўзгариб кетаверади. Катта бир давлат, бордию дўпписи тор келиб қолса катта-кичиклиги, узоқ-яқинлигига қарамай, бошқа минтақалардан ўзига шерик, маслакдош қидиради, аммо иши битиб, эшаги лойдан ўтиб олганидан кейин ўша шеригини ора йўлда ташлаб ҳам кетаверади. Кейинги ўн беш-йигирма йиллик тарихга назар ташласангиз, унинг саҳифаларидан бу гапга бир эмас, бир неча мисоллар топишингиз мумкин.***

*Муҳаррир минбари*

Таажжубли яна бир жиҳати, аниқроғи англаб бўлмайдиган томони шундаки, дунё минтақаларида содир бўлаётган айни бир хил воқеаларни ҳеч иккиланмай бир неча йўналишда баҳолаш ҳам мумкин экан. Энг ачинарлиси, катта давлатларнинг катта сиёсий ўйинларида қарта яхши чийланмай, «қирол» ўрнига «аёл» суқилиб қолса ва бунинг оқибатида кимдир беайб жабрланса, ҳеч ким жабрланган томондан узр сўрашни ўзига эп кўрмас экан.

Собиқ Югославия ҳудудини аёвсиз бомбардимон қилиш чоғида ва ёки шундай ҳаракатлар Афғонистонда содир этилаётганида ҳарбийларнинг «янглишишлари» билан қанчадан-қанча тинч аҳолининг ёстиғи қуриди. Аммо ҳеч ким узр сўраш учун оғзини жуфтламади ҳам. Айни шундай кунлар Ироқ халқи бошига тушганида, бу «қатли ом»га Ироқда оммавий қирғин қуроллари бетўхтов ишлаб чиқарилаётгани, омборларда тўлиб-тошиб ётгани ва эрта-индин улар катта давлатлар ҳаётига жиддий хавф солиши мумкинлиги асос қилиб олинган эди. Орадан қанча вақт ўтди, аммо бундай қуролларнинг Ироқда чиндан ҳам мавжудлигини тасдиқловчи фактлар ҳамон қайд этилгани йўқ. Шундай бўлса-да, ҳеч ким ҳануз «Маъзур тутгайсизлар, сал адашибмиз чоғи», дея бошини қашлаб қўйгани ҳам йўқ.

Қочқинлар масаласига келсак, янада тушунарсиз бир ҳол. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бундан роса эллик тўрт йил аввал қабул қилган халқаро конвенциясида кимлар қочқинлар бўлиши, уларга қандай вазиятда қочқинлик мақоми берилиши аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Андижонда содир этилган нохуш воқеалар гирдобига тортилиб, қуролли отишма ваҳимасида, жиноятчиларнинг зўри билан бошқа бир давлат ҳудудига ўтиб қолганлар, наҳотки шу мақомга тўғри келса? БМТнинг қочқинлар иши бўйича Олий комиссияси вакиллари миллий, этник тўқнашувлар, қирғин-барот урушлар, очлик, табиий офат туфайли туғилиб ўсган жойларини ташлаб, бошқа ҳудудларда жон сақлашга мажбур бўлаётганлар қаерда ва қанча, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари нима эканлигини яхши биладилар. Аммо улар ҳали ҳеч қачон одамлар, аёллар ва болалар Африкада очликдан силласи қуриб ўлаётганларида ҳам бугунгичалик, яъни «ўзбекистонлик қочоқлар» деб аталаётган гуруҳ тўғрисида қайғураётганларидек, ваҳима кўтармаган эдилар.

Бугун бир нарса аниқ-равшан бўлдики, бордию Андижон воқеаларида ҳеч ким қўшни давлат ҳудудига ўтишни ўйламаганида ҳам бу ишни мажбуран амалга оширган бўлур эдилар. «Андижон операцияси»нинг режасини тузганлар қуролли жангариларнинг бир қисмини қочоқлар ниқоби остида мамлакат ташқарисига олиб чиқиш ва улардан кейинчалик кенг мақсадларда фойдаланишни ўйлаганлар. Мана, гап қаерда. Ўзбекистон билан қондош, ёндош бир мамлакат раҳбариятига мисли кўрилмаган тазйиқ ўтказиш йўли билан бугун энди бошқа бир мамлакатга олиб кетилганлар орасида ўз уйини, ота-онасини, болаларини соғинган, сиёсий ўйин тўрига илиниб қолиб, эндиликда қилган ишидан пушаймон бўлаётганлар, қўйиб беришса, уй-уйига қайтиб, бордию айби бўлса тавба-тазарру қилиб, айби бўлмаса, бундан кейин сал ҳушёр юрадиганлар йўқ, деб ким айта олади?! Бундай пайтларда адолатли ҳакам бўлиши даркор бўлган, оқни оқ, қорани қорага ажратиб беришга даъват этилган БМТнинг тегишли ташкилотлари бундан бехабар бўлмасалар керак.

Америка Қўшма Штатлари Ироққа қўшин киритганида бу нуфузли ташкилотнинг фикри билан мутлақо ҳисоблашмади. Бундан бир неча кун аввал АҚШ Президентининг махсус декретига биноан Американинг БМТдаги доимий элчиси этиб тайинланган сиёсатдон Жон Болтон ўз вақтида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Америка манфаатларига хизмат қилсагина фойдалидир» деган эди. Мана шундай нуқтаи назарга эга бўлган киши БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси олдида қандай масалалар устида бош қотирар экан? Ахир бу болшевикларнинг «бизга маъқул нарсаларгина яшашга ҳақли, бошқасини рад этамиз ва янчиб ташлаймиз» деган шиорининг ўзгинаси эмасми?

Ушбу сатрларни қоғозга туширар эканман, Чех Республикаси Президенти Вацлав Клауснинг Умумевропа Конституциясига доир "Труд" газетасида эълон қилинган фикрлари билан танишиб чиқдим. — Умуман, ягона Европа давлатини ташкил этиш ғоясидан воз кечиш керак, — дейди жаноб Президент. — «Европа давлатлари ташкилоти» бўлса, мақсадга мувофиқ кўринади. Лекин, шундай бўлганда ҳам, ЕДТнинг мақсади **қандайдир мафкуравий ёинки ғоявий қадриятларни бошқа бир давлат ҳаётига мажбуран тиқиштириш эмас**, бир неча мустақил давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўлиши керак. «Ягона Европа уйи» ғоясининг барбод бўлиши сабабларига тўхталар экан, муаллиф шундай дейди: «Бу уй, гарчи европаликларнинг яшаши учун қурилаётгани айтилса-да, аслида улар учун эмас, Европа иттифоқидан фойда кўрадиган зодагонлар, қитъанинг нуфузли сиёсатдонлари учун қурилаётган эди. Катта бир қитъанинг бениҳоя марказлашиб кетиши қатор нохушликларга, жумладан одамлар ҳаётига бюрократиянинг кириб келишига сабаб бўлиши аён ҳақиқат. **Ҳеч бир халқ ўзи тўғрисида бошқа биров, бошқа бир жойда ижросини мутлақо назорат қилиб бўлмайдиган қарорлар қабул қилишини истамайди.** Ҳаммани бир сафга тизишга, бир мақомга йўрғалатишга уриниш — келажаги йўқ ишдир».

Назаримда, кейинги пайтларда айрим Ғарб давлатлари ташқи сиёсатида бошқа бир халқ, бошқа бир давлат ҳаётига тааллуқли жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, воқеалар ривожини ўз манфаатларига мос йўналишда ушлаб туриш ҳаракатлари сезилмоқда. АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиларидан бири — жаноб Эскудеронинг гапларини эслайлик: — «Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, энг аввало, айни шу жараённинг илдизига болта уради...»

Бошига кулфат тушган одамнинг аҳволига ачинган бўлиб, ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш, инсоф билан айтганда, жуда жирканч ишдир.

## ФОНОГРАММА ТАЪҚИҚЛАНДИ

Бугунги миллий эстрадамиз ютуқ ва камчиликлари тўғрисида қаерда баҳс очилмасин, гап бориб... фонограммага тақалади. Қўшиқчилик санъатимизнинг маълум маънода саёз ва бачканалашиб кетаётгани, шубҳасиз, фонограмма билан ҳам боғлиқ эканлиги аён ҳақиқат. Аммо, бу тўғрисида оғиз очилди дегунча, ёқловчилар топилади — катта ва оммавий саҳналарда фонограммасиз концерт намойиш этиб бўлмайди.

Бу ҳам бор гап. Ҳамма соҳада бўлганидек, қўшиқчиликда ҳам меъёрга амал қилинса, мухлислар бир нима дейишмайди. Аммо кичик бир даврада беш-ўн киши йиғилса-ю жонли овоз ўрнига фонограмма варанглайверса, бу, албатта, мухлиснинг асабига тегади.

**Қойил!**

Халқимизда «Бетимнинг қаттиғи — жонимнинг ҳузури» деган мақол бор. Баъзи хонандалар тўй-томошаларда бошқа бир хонанада ижро этган қўшиқларни уялмай-нетмай «ижро» этиб ётишибди. Одамнинг юзи иссиқ бўлар экан, ҳали ҳеч ким шу чоққача бирорта тўйдан бирорта шундай санъаткорни кўчага олиб чиқиб қўймаган. Бунинг оқибатида бир оқшомнинг ўзида Шерали Жўраев, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Феруза Жуманиёзова каби истеъдодли хонандаларимизнинг овозлари бир неча жойда янграмоқда.

Фонограммадан ўринсиз фойдаланиш санъаткорнинг обрўсини туширади, айни пайтда унинг дидсизлигидан далолат беради. Афсуски, бу оддий ҳақиқатни кўплар ҳамон тушуниб етмаяптилар.

Матбуот хабарларига қараганда, Хитой Халқ республикасида фонограммадан фойдаланиш қонун йўли билан маън қилинган. Кимки бу таъқиқни бузса 12 минг доллар жарима тўлайди, такроран шундай қилса икки йил муддатга лицензиясидан маҳрум этилади. Янги қонунда сохта концертларни ташкил этаётган уддабуронларга ҳам жазо чоралари кўзда тутилган.

«Труд» газетасининг ёзишича, бу масала Россия давлат Думасида ҳам бир неча бор муҳокама этилган. Тингловчига маълум қилмасдан фонограммадан фойдаланган санъаткорга минимал иш ҳақининг йигирма баробарида жарима солинади.

Фонограммадан фойдаланишни тартибга солиш бўйича ўзимизда ҳам маълум ишлар қилинган. Хусусан, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир қонунда бордию концертда фонограммадан фойдаланиладиган бўлса, бу тўғрида томошабинни аввалдан хабардор қилиш зарурлиги белгилаб қўйилган. Бунга маълум маънода амал ҳам қилинмоқда.

Аммо бу билан фонограмма ишқибозлари озаяётгани йўқ. Қўшни хитойликларга ўхшаб, талабни янада кучайтириш зарурга ўхшайди. Акс ҳолда тўйлар мавсумида қайси хонанданинг қаерда куйлаётганини асло билиб бўлмайди.

**Ўз ахборотимиз**

## ЯНГИ АСАР ТАҚДИМОТИ

*Ёзувчилар уюшмасида*

Яхши асарнинг йўли очиқ бўлади. У ўзига ўзи йўл очади, ўқувчисини ўзи топади. Бугунги кунда китоб ёзиш, нашр эттириш жуда оддий ва жўн бир ишга айланиб қолди. Аммо яхши, бадиий мукаммал асарларга, маънавий эҳтиёжимизни қондиришга қодир китобларга талаб ҳамон катта. Чунки, бадиий топилма деганлари ҳар куни ҳам топилавермайди, ҳар куни қоғозга тушавермайди. Босмахонага топширилаётган қўлёзмаларнинг ҳаммаси ҳам ўқувчи қалбига етиб бора олмайди. Гоҳо бир китоб тахтлаш учун бир умр камлик қилади. Яхши китоблар бир умр ёзилади, деб бежиз айтишмаган.

Истеъдодли шоир Азим Суюннинг мустақиллик йилларида қаторасига еттита китоби ўқувчилар қўлига бориб етди. Яқинда «Янги аср авлоди» нашриётида унинг навбатдаги саккизинчи китоби — «Эй дўст» деб номланган тўплами (масъул муҳаррир Нормурод Нарзуллаев) чоп этилди. Шу муносабат билан Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган тақдимот маросими, муболағасиз айтиш мумкинки, шеъриятимизнинг байрамига айланиб кетди.

Уюшма раисининг биринчи ўринбосари шоир Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон, Усмон Азим, ёзувчи Эркин Аъзамов, адабиётшунос олимлар Иброҳим Ғафуров, Қозоқбой Йўлдошев, Йўлдош Солижонов, Сайди Умиров, профессорлар Мирсодиқ Исҳоқов, Муҳаммаджон Тошболтаев шоир Мирпўлат Мирзо ва бошқалар сўзга чиқиб, муаллифнинг ушбу китоби мисолида бугунги шеъриятимизнинг ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари тўғрисида фикр юритдилар.

Тўпламдан жой олган 707 рубоийнома тўртликларнинг барчаси «Эй дўст!» хитоби билан бошланади. Шеършунос олимларнинг фикрича, бу — энг яқин дўстга, кўнгилга, Оллоҳга мурожаатлардир. Шоир бировга панд-насиҳат қилмайди, ўзи билан ўзи сўзлашади, ўзи билан ўзи дардлашади. Умр йўлларида, ҳаёт чорраҳаларида кўрган-кечирганларидан хулоса чиқаради ва сизни ҳам тегишли хулосалар чиқаришга ундайди.

Қайирма - қайрилиб, эврилиб пишибетилган, вақт синовларидан ўтган қуйма фикрлардир. Шоирнинг ўзи уларга шундоқ изоҳ беради: «Қайирмалар — бор ҳақиқатларни табиатнинг сирли ҳолатлари эшлигида янгича айтишга, янгича идрок этишга уринишдир. Қайирмалар — ўзимнинг ўзимга деганларим...»

Муҳокамада сўз олганлар шеърият — адабиётимизнинг виждони эканлигини урғуладилар. Токи шундай экан, яратилаётган ҳар бир янги асарга худди шундай эътибор зарурлигини таъкидладилар. Бугунги шеърият кечаги кун шеъриятидан тамомила фарқ қилади. Бугунги шеър ўқиб бўлишингиз биланоқ тугамайди, аксинча, шеърнинг умри ўқиб бўлганингиздан кейин бошланади. Ўқувчи шоир билан бирга ўйлайди, хаёл суради, воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиради. Яхши шеър баҳонасида ўзига бир қараб олади, ўзини ўзи, таъбир жоиз бўлса, тафтиш қилади.

Кейинги пайтларда Ёзувчилар уюшмасида, Миллий матбуот марказида бундай тақдимот маросимларини ўтказиш яхши анъана тусини олмоқда. Зеро, хайрли ишдан кўпчиликни хабардор қилишнинг ўзи ҳам хайрлидир.

**Ўз ахборотимиз**

*«Экосан» ахбороти*

## ДАСТУР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

**«Экосан» халқаро жамғармасида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ижроси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Йиғилишда таъкидланганидек, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган қатор тадбирларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш «Экосан» халқаро ташкилоти зиммасига юклатилган. Жумладан, давлат дастурига асосан ишлаб чиқилган «Соғлом муҳит - соғлом ҳаёт гарови» мақсадли дастури доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг санитария-гигиеник маданиятини юксалтириш, экологик меъёрларни жорий этиш, аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация тармоқлари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган «Вилоятимизни, шаҳримизни, туманимизни юксак санитария маданияти масканига айлантирамиз» республика кўрик-танлови ўтказилди. Танловнинг якуний босқичида 4 шаҳар, 5 туман, 8 та корхона ва 10 та маҳалла иштирок этди. Энг яхши тақдимотлар Тошкент шаҳри, Жиззах, Навоий, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидан бўлди. Қашқадарё вилояти танловда иштирок этмади.

* * *

Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири — бу чиқиндилар муаммосидир. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида тегишли ташкилотлар иштирокида саноат ва маиший чиқиндиларни тўплаш ва зарарсизлантиришга доир алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланган эди. «Экосан» халқаро жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, «Маҳалла» жамғармаси ва «Ўзтелерадиокомпания» иштирокида бу вазифа бажарилди.

Ушбу дастур ижросининг таҳлили шуни кўрсатадики, чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб ташлаш, зарарсизлантириш билан боғлиқ бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ер ости сувлари, тупроқ, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар учун ҳозиргача жами 848 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бухоро вилоятида маиший чиқиндиларни йиғиш учун 26 та майдонча қурилди, 17 таси таъмирланди. Белгиланган 14 та чиқиндихоналардан 10 тасида таъмирлаш ишлари тугатилди. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари махсус транспорт воситалари билан таъминланди. Сурхондарё вилоятида мавжуд 16 та чиқиндихоналарни зарур воситалар, махсус техника билан таъминлаш ишлари бажарилмоқда, чиқиндилардан иккиламчи хомашё, яъни саралаб ва қайта ишлаб ўғит сифатида фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Қашқадарё вилоятида Шаҳрисабз шаҳри ва тумани учун янги техник воситалар харид қилинди, Муборак газни қайта ишлаш заводида санитария меъёр ва қоидалари талабларига жавоб берадиган лойиҳа бўйича хусусий чиқиндихона қурилиши давом этмоқда. Тошкент вилоятида «Оҳангарон» шаҳар чиқиндихонасини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Юнусобод туманида чиқиндиларни ташиш станцияси ишга туширилди, Ҳамза, Собир Раҳимов, Чилонзор туманларида янги чиқинди майдончалари қурилди, 16 та чиқинди майдончалари таъмирланди, пластмасса идишларини қайта ишлайдиган ускуналар сотиб олинди.

Дастурда белгиланган вазифаларни бажариш учун Қорақалпоғистон Республикаси бўйича йил бошидан буён 148 миллион сўмлик, Фарғона вилоятида — 82,6 миллион сўмлик, Тошкент шаҳрида — 58 миллион сўмлик, Сирдарё вилоятида — 21 миллион сўмлик иш бажарилди.

Ўтган ҳафтада 150 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами ортилган 6 та «Экосан» саломатлик поезди Сурхондарё вилоятига жўнаб кетди.

## БУГУНГИ СОНДА:

2 ЯНГИСИНИ ҚУРМАСДАН ЭСКИСИНИ БУЗМАНГ!
ЧАНОҚЛАР ЛАБИДАН КЎПИРМОҚДА ШЕЪР... 3
4 ЧИГАЛ ТАҚДИРЛАР
ҚАЙНОНА ЕНГИЛДИМИ?.. 5

*Мустақиллик даври ўзбек адабиёти*

# ЧИГАЛ ТАҚДИРЛАР

Истиқлол даври ўзбек насрида, айниқса, роман жанрининг уфқлари кенгайди. Нисбатан қисқа муддатда ўнлаб романлар яратилди. Уларнинг аксарияти ўзбек халқининг ўтган XX асрдаги ҳаёти манзараларини тасвирлашга бағишланган. Ёзувчи Мурод Мансур «Жудолик диёри» трилогиясининг биринчи (1998) ва иккинчи (2003) китобларини («Шарқ» нашрёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти) нашр этди. Роман адабий жамоатчилик ва китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди.

«Жудолик диёри» — рамзий ном. Ўзбек халқининг XX асрдаги ҳаётида, айниқса, асрнинг биринчи ярмида айрилиқлару жудоликлар кўп бўлди. Минглаб хонадонларнинг баъзи аъзолари Ватанда қолган бўлсалар, баъзилари ғурбатда ғариб бўлдилар. Ҳатто Ватанда қолганлар ҳам қамоқ, сургун, қатл, уруш каби мусибатлар туфайли такрор-такрор яқинларидан айрилдилар. «Жудолик диёри»да халқимиз бошига тушган ана шу оғир синовларнинг кенг манзараси чизилган. Асарда ўзбек халқининг буюк бардоши, энг оғир даврларда ҳам номига муносиб тарзда ўзлигини сақлаб қола олгани, йўқотишу айрилиқлардан янада тобланиб чиққани бадиий маҳорат билан акс эттирилган.




«Жудолик диёри»нинг биринчи китоби воқеалари ёш бола — Мақсудхўжа тилидан ҳикоя қилинади. Шоирона қалб эгаси эканлиги, табиатни, ҳаётни, одамларнинг турфа хислатларини теран англаши ва ёрқин бўёқларда тасвирлашидан ҳикоячи бола муаллифнинг ўзи эканлиги сезилади. Адиб аждодлари кечмишини, ўзи кўрган-эшитган воқеаларни қаламга олган, туғилиб ўсган, болалиги кечган манзил-маконларни тасвирлаган. Шунинг учун ҳам асар жонли, табиий ва самимий чиққан. Лекин бу самимият қатида қанча дард, қанча алам бор. Айниқса, поймол этилган қадриятлар, ғорат қилинган табиат манзаралари айрича бир ўртаниш, чексиз алам-изтироб ва иложсиз соғинч билан тасвирланади: «Киндик қонимиз тўкилган, неча пушт оталаримиз ўтган у диёрдан ҳеч вақо қолмади. Тупроқ ўша-ўша, макон ўша эди-ю, лекин энди диёр йўқ эди. Уни ёдга соладиган бир ўр ё қир, бир сой ё жилға, бир қўрғон ё ҳовли қолмаганди».

Дастлабки боблар мутолааси пайтида ўқувчи китоб Мақсудхўжанинг болалигига бағишланган ва у воқеалар марказида туради, деган хаёлга ҳам боради. Аммо бобдан-бобга ўтгани сайин асарнинг бош қаҳрамони Султонмурод экани англашила боради. Муаллиф бош қаҳрамонни кўпам таъриф-тавсиф қилмайди. Уни бошқалардан ажратиб турадиган айрим хислатлари Султонмуроднинг хатти-ҳаракатлари ва бошқа персонажларнинг у ҳақдаги гап-сўзлари воситасида ёритилади. Унинг ўз насл-насабини унутмагани, қувғинга учраган аждодларини ҳам фахр билан эслаб юришидан манқуртлик авж олган бир даврда Султонмуроддек одамлар туфайли халқнинг тарихий хотираси бутунлай емирилмай, давр бўронларидан кўп нарсани омон сақлаб қололганига амин бўламиз. Романнинг фақат бир ўрнидагина Султонмуроднинг Оқсарой ва Гўри Амирни зиёрат қилгани, Олой маликаси Қурбонжон Додхоҳ тарихи билан қизиққанига ишора бор. Бундан кўринадики, Султонмурод фақат ўз насл-насабидангина эмас, балки жонажон халқи тарихидан ҳам яхши хабардордир ва унинг баъзи кескин, ҳатто зоҳирий жиҳатдан ўша давр сиёсати жиноят деб баҳолайдиган хатти-ҳаракатлари шунчаки аламзадалик оқибатида, кўр-кўрона бўлмай, балки мустаҳкам маънавий асосга, чуқур мазмун-моҳиятга эгадир.

Ёзувчи Раҳимжон Отаев «Ўтаётган кунлар нафаси» мақоласида: «Султонмурод, назаримда, «Устюрт воқеаси» қиссасидаги Отамуроддан кейин Мурод Мансур яратган энг жозибали қаҳрамон», деб тўғри таъкидлайди. Султонмурод ва унинг йигитлари ҳақидаги ҳикоялар ҳақиқатан ўз вақтида шундай бир гуруҳ бўлган-бўлмаганидан қатъи назар, ишонтирарли, реал заминдан сира узилган эмас. Бу гуруҳ амалга оширган тадбирлар ўша даврдаги мустабид тузумга қарши умумхалқ норозилигининг натижаси сифатида намоён бўлади. Октябр тўнтаришидан кейин бир қанча йиллар давом этган Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракати, гарчанд бостирилган бўлса-да, истиқлол ғояси халқнинг энг яхши фарзандлари қалбини ҳеч қачон тарк этмаган. Мустабид ҳокимият зулми энг авж олган даврларда унга турли воситалар билан қаршилик кўрсатиш, ҳатто қуролли кураш бошлаш каби режалар фикру хаёлини банд этган одамлар бўлган, албатта.

«Жудолик диёри» романининг фазилатларидан бири — унда қаҳрамонларнинг мақсад-интилишлари ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва ислом дини нуқтаи назаридан ёритилганидир. Ҳатто ёвузликка қаршилик кўрсатилганда ҳам адолат мезонлари бузилмасин, бирор кимса ноҳақ жабр кўрмасин, деган ғоя илгари сурилади. Бу ҳол, айниқса, оғир-вазмин, мулоҳазакор ва тақводор Нусратилла почча билан довюрак, жувонмард, аммо қизиққон ва аламзада Султонмурод ўртасидаги мунозарада яққол кўринади. Нусратилла почча золимкор тузумни ёқламайди, билъакс, ундан нафратланади. Аммо зулм ва адолатсизликка қарши курашга азм қилганлар ҳам ҳар бир тадбири Оллоҳга қанчалик хуш келишини мулоҳаза этишлари, салла ўрнига каллани олмасликлари лозим, деб билади.

Султонмурод ва Нусратилла почча мунозараси асарнинг энг таъсирчан саҳифаларидандир...

Ёзувчи романда бир қанча ўзбекона образлар яратади. Нусратилла почча, Ҳайбат, Соли, Акмал, Чаман, Саломхон, Марғуба — ҳар бири ўз қиёфасига эга. Оқила, мулоҳазакор, қаноатли, меҳрибон Саломхон фалакнинг гардиши билан тариқдек сочилиб кетган Улуғхўжабой авлодларининг омон қолган вакиллари бир-бирлари билан аҳил бўлишлари, аждодларига хос диёнат, инсонийлик, ғурур каби фазилатларни сақлаб қолишларида катта ўрин тутади. Йўқотишлару жудоликлар унинг қалбида ўчмас жароҳатлар қолдирса-да, аёлнинг мустаҳкам иродасини синдиролмайди. «Инсон ҳар йўқотганга аза очаверса, бир умр азадор ўтиб кетади-ку», дея у яқинларини сабр-тоқатга, бор нарсаларни асраб-авайлашга чақиради. Шунинг баробарида, Саломхон ёвузлик ва адолатсизлик қаршисида бош эгиб туриш тарафдори эмас. У Султонмуроднинг муайян хавф-хатарлар билан боғлиқ ишларига хайрихоҳ. Бошига мушкул иш тушиб, кайвони сифатида ундан далда ва чора истаб келганлардан ширин сўзи, жўяли маслаҳатлари, қўлдан келган ёрдамини дариғ тутмайдиган аёл пайти келганда нобакор кимсаларга нисбатан ғоят муросасиз бўла олади. Саломхон ўзбек оналарининг Ўзбек ойим даражасидаги ёрқин адабий образларидан бири десак, муболаға бўлмаса керак.

«Ҳамманинг яшагиси келади» («Устюрт қиссаси») каби тилга тушган саргузашт қиссанинг муаллифи бўлган Муроджон ака «Жудолик диёри»да ҳам саргузашт унсурларини қўллагани асарнинг янада қизиқарли ва ўқишли бўлишини таъминлаган. Саргузашт воқеаларнинг бир туркуми соҳибжамол Марғубанинг ачинарли тақдири билан боғлиқ тарзда кечади. Никоҳ кечаси Марғуба бахту висол эвазига мусибат оғусини татийди. Куёв Баҳриддин гўшангага киришга улгурмасдан, таъқибчилардан қочади. Кийимларини алмаштирганлари туфайли, унинг ўрнига жўрасини ўлдиришади, аммо қотиллар жасадни танимай «Баҳриддин» деб кўмиб юборишади. Ўзи никоҳида бўлган одамнинг тириклигидан бехабар Марғуба муайян вақт ўтгач, Султонмуродга кўнгил қўяди. Ошиқи беқарор Султонмурод ҳам висол хаёли билан масрур.Таъқиблар кучайгач, у иккинчи бор ўз ихтиёрига қарши Ҳайбатга узатилаётган Марғубани олиб қочиб, Ватанни тарк этади. Хорижда бўлса-да, улар бир-бирларига етишиб, бахтли турмуш қурсалар керак, деб ўйлаган китобхоннинг хаёлларини биринчи китоб охирида Мақсудхўжага чет элдан етган хабарлар остин-устун қилиб юборади. Баҳриддиннинг тириклигини эшитган Султонмурод Марғубани биринчи никоҳидаги кишига етказишга жазм этибди ва Оллоҳ бу ишни ўзига тақдир қилганига шукроналар айтибди...

«Жудолик диёри»нинг иккинчи китоби ҳажми каттароқ ва мутолааси ҳам бир мунча мураккаб. Биринчи китобда воқеаларни асосан ровий Мақсудхўжа ҳикоя қилса, иккинчида — айрим боблар муаллиф нутқи воситаси, битик, мактуб ва кундаликлар тариқасида баён этилади. Замон ҳам ўзгариб, тасвир жуғрофияси анча кенгаяди.

Яна бир ўзгариш шуки, асарнинг бош қаҳрамони Султонмурод воқеаларда кам қатнашади. Замон тақозосига кўра, у яқинларидан узоқда яшириниб юришга маҳкум. Аммо муаллиф маҳоратига таҳсин айтиш лозимки, Султонмуроднинг бош қаҳрамонлигига зарра шикаст етмаган. Зоҳиран у кам кўринса-да, ботинан Султонмурод номи асарни ўз атрофида айлантирувчи ўқдир. Асар воқеалари бош қаҳрамон тақдирига чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Унинг номи ва довруғига ҳеч ким бефарқ эмас. Бу ном одамларда ҳаяжон, соғинч, изтироб, ифтихор, ғурур, ҳайрат, муҳаббат, меҳр, умид, баъзи кимсаларда эса, хавотир, қўрқув, ваҳима каби хилма-хил ҳис-туйғулар уйғотади. Унинг қаердалиги ҳеч кимга маълум эмас, аммо пайдо бўлиб қолишини интиқлик билан кутадилар ва бу ҳиссиёт китобхонга ҳам юқади. Нуроний Ҳозиқ тўранинг «Қадрдонимиз, бизнинг Ботур», дея эслаши Султонмуродга берилган юксак баҳодир.

Китобхон учун кутилмаган, таъбир жоиз бўлса, уни «ранжитадиган» ҳоллардан бири шуки, биринчи китобда беқиёс меҳр-муҳаббат билан тасвирланган Марғуба (суюкли Марғу кеннойи) китобда деярли кўринмайди. Унга икки томчи сувдек ўхшаш Султонмуроднинг иккинчи вафодор ёри Маҳфуза сиймоси китобхон учун бу «йўқотиш»нинг ўрнини босади. Хуллас, Марғуба образи биринчи китобга чуқур лиризм бағишлаган бўлса, иккинчи китобнинг маликаси Маҳфузадир.

Саргузашт унсурлари романнинг навбатдаги китобида ҳам етарли. Ёдгорнинг ўрнига Акбаралининг ўғирланиши, Тангритоғ диёридаги кечмишлар, Султонмурод ва йигитларнинг Ҳозиқ тўрани олиб кетиш учун чегара оша келишлари шулар жумласидандир. Асарга янги олиб кирилган Ҳозиқ тўра образи унинг салмоғи, тарихий ва фалсафий жиҳатларини чандон оширган. Муаллиф ўзининг тасвир усулига содиқ қолиб, мўътабар инсон Ҳозиқ тўранинг ўтмиши ҳақида батафсил маълумотлар келтирмайди. Аммо баъзи ишоралар, масалан, бир персонажнинг уни Имом Шомилга менгзашидан, Ҳозиқ тўранинг прототипи Алихонтўра Соғуний эканлиги китобхонга аён бўлади. Муаллиф китобхон Соғунийнинг ҳаёт йўли ва асарларидан хабардорлигини ҳисобга олган.

Муаллиф қаҳрамонларнинг йирик тарихий воқеалардаги иштирокини батафсил тасвирлашни мақсад қилиб қўймайди. Кўпроқ уларнинг руҳияти таҳлили, тарихий воқеларнинг улар хотирасида қолдирган ўчмас излари, онгида ясаган ўзгаришларга эътибор қаратади. Бу, албатта, адабиётимизда инсоннинг ички дунёси тасвири бирламчи аҳамият касб этаётгани билан боғлиқдир.

Романнинг энг изтиробли саҳифаларидан бири Ҳозиқ тўранинг «хумдек боши устарада қирилган норғул» раҳбар билан суҳбатидир. Норғул раҳбар ўзининг мустабид тузумга садоқатли хизматини оқлашга уринади: «Биз Унинг олдида киммиз?! Хоҳласа, чивиндай эзғилаб ташлайди, хоҳласа, кафтида кўтаради. Иложимиз қанча?», «Сен кичкина одамман десанг, мен кимманки десам, қачон одам бўламиз ўзи? — дейди унга жавобан Ҳозиқ тўра қалби сидирилиб оқиб. — Борми ўзи бу юртда эл учун бошини тика оладиган бир инсон?!».




Асарнинг асосий фалсафий ғояларидан бири шуки, ҳар бир киши яратилишидан эзгуликка мойил. Одамлар орасида адашганлари бор, аммо инсонлик қиёфасини бутунлай йўқотган тузалмас нобакорлар бўлиши мумкин эмас. Оллоҳнинг изни билан бундайларнинг ҳам мудроқ виждонлари уйғонмоғи, улар тавба-тазарруъ қилиб, эзгулик томон юзланиб, яхши амаллари билан ўзларининг аввалги гуноҳларини, қисман бўлса-да, ювмоқлари мумкин ва лозим. Инсоннинг залолатдан халос топишга интилиши ва, алал-оқибат, бунга эришиши «Жудолик диёри»да бир неча киши тақдири орқали кўрсатилган. Машҳур ўғрибоши Парпи тўғрибошига айланиб, бир пайтлар ўзини шармандали жазога маҳкум этган Султонмурод изидан кетади ва шу туфайли элу юртнинг дуосини олади. «Ўғри қариса сўфи бўлади» тарзида хўжакўрсинга эмас, балки чин дилдан тавба қилиб, имон келтириб қилади бу ишларни.

Асардаги бу хил руҳий эврилишлар кам учрайдиган ҳодиса бўлиб туюлиши мумкин. Аммо мутлақо имконсиз ҳам эмас. Бошқача шароитда ҳеч кимга озор бермай рисоладагидек ҳаёт кечириши мумкин бўлган киши, тақдир тақозосига кўра, беихтиёр равишда ёвуз тузум хизматига тортилиб, гуноҳсиз одамларга жабр қилиши, ҳатто қўли қонга бўялиши мумкин...

Шарқона қадриятлар — қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳру оқибат, расм-русумлар, урф-одатлар, анъаналар асарда жуда гўзал ифодаланган. Меҳмон кутиш ва дийдор кўришгандаги сўрашишу мулозаматлар маромига етказиб тасвирланган: «Уйимизни тўлдириб ўтирибсизлар», «Бирам ярашиб ўтирибсизлар» ёки узоқ вақт кўрмаган жияни билан учрашган аёл: «Бормисан, болам?! Бир ярашиб турибсан, қара, ота юртларга. Кўкқарғани кўриб, одам бунчалар қувонмайди. Келганинг рост бўлсин, илоҳим, болам. Шу азиз ерларда униб ўсгин. Руҳлар шод бўлсин. Кел, болам, кел, — деб бағрига тортиб, куракларини силаб кўриша кетди».

Романнинг тили мароқли, оҳорли тасвир-ташбеҳларга бой, услуби равон, содда. Тошкент шеваси бойликлари, халқ тили ва болалар нутқидан самарали фойдаланилган. Адиб ҳамма нарсани ўзига мос сифат, ўзига хос образлар орқали тасирлайди. Унинг ташбеҳли тасвирида олмазорлар ўсмаранг-у, ёнғоқзорлар сурмаранг; беҳилар букри кампирни эсга солади; қийғос гуллаган шафтоли бошига гулли рўмол ташлаб саломга чиққан келинчакка ўхшайди...

Адабиётшунос олим Наим Каримов Ойбекнинг «Болалик» қиссасига ёзган сўнгсўзида: «Биз ва, айниқса, кейинги авлодлар XX асрнинг 10-йилларидаги Тошкентни ва, умуман, ўзбек халқининг ҳаётини бундан кейин Ойбек хотиралари орқали кўз олдимизга келтирамиз», деб ёзади. «Жудолик диёри» романида эса, зилзиладан олдинги Тошкентнинг Яккабоғ, Қатортол, Новза, Чўпонота, Изза сойи, Аччи қирлари каби сўлим гўшаларининг ёрқин тасвирлари берилган.

Асарда кўп ҳикматли сўзларга ҳам дуч келамиз. Бу ҳикматларнинг баъзисини муаллиф халқдан олган бўлса, баъзиларини ўзи кашф этган. Булар муаллифнинг ҳаётни, одамларни кўп йиллар давомида кузатиши натижасида келган хулосалари, умумлашма фикрлари: «Кекдан ҳеч ким кўкармаган», «Мадор йиғаман деган киши муроса қилади», «Ўзи эмас, тақдири кўҳлик бўлсин», «Урган қўл эмас, силаган қўл кучли дунёда», «Юртда токи битта йигит ор-номус учун курашар экан, демак, ҳали юрт бой берилмаган»...

Табиийки, роман баъзи қусурлар, мавҳумотлардан ҳам холи эмас. Биринчи китоб воқеалари асосан уруш пайтида кечган бўлса-да, ўша давр машаққатлари бевосита уруш билан боғлиқ тарзда халқ кечирган фожиалар тасвирига етарли ўрин ажратилмаган. Эҳтимол, бу ҳолнинг сабабини воқеалар ёш Мақсудхўжа тилидан ҳикоя қилиниши билан изоҳлаш мумкиндир. Чунки ҳар бир киши ўз болалик пайтларини эслар экан, ундаги ёрқин, жозибали томонлар кўпроқ хотирада қайта жонланади, ўша пайтда бошдан ўтган қийинчиликлар бир қадар унутилган бўлади.

Асарда пайҳон қилинган боғу бўстонлар, болалик билан боғлиқ табиат гўшалари тасвирларида баъзи қайтариқлар ҳам мавжуд.

Ўзбекликка хос қадриятларни тасвирлашда баъзан меъёр унутилиб, идеаллаштириш даражасига борилган, назаримизда. Муаллиф наздида, ўзбекнинг маиший ҳаёти ҳам ер юзида энг зўр бўлиб, қиёсини фақат жаннатдан топиш мумкин: «Яхшиям ўзбекнинг тўй-ҳашами, ақиқаю эҳсони бор... шу баҳона йиғиладилар, дийдор кўришадилар, ҳол-аҳвол сўрашадилар. Келолмаган қарияларнинг омонат саломлари, дуою тилакарини етказадилар. Чиндан шу халққа мансублигингдан, оқибатни, қариндош-уруғдан хабар олишни унутиб қўймаганингдан ичингдан бир ғурур туйиб кетасан. Оллоҳ сени шу тоифадан этганига (анув ота-онасини ташлаб, бегона юртларга тентираб кетавурадиганлар тоифасидан қилмаганига!) шукроналар айтасан»...

Айрим жузъий камчиликлардан қатъи назар, «Жудолик диёри» бир неча қисса ва романлар муаллифи Мурод Мансурнинг бош асари ва мустақиллик даври ўзбек адабиётининг салмоқли ютуқларидан биридир, деб айтишга ҳақлимиз. Романда мустамлака даврида ҳам озодлик ғояси халқ дилида яшагани, садафда дур етилганидек, халқ бағридан муқаррар равишда шижоатли, имонли, ватанпарвар, мустақил одамлар етишиб чиқиши бадиий тарзда акс эттирилган.

Романнинг икки китоби нашр этилган бўлса-да, у ҳали тугалланган асар эмас. Икки китоб мутолааси жараёнида амин бўлдикки, «Жудолик диёри» таъсирчан мулоқотлар, ҳаяжонли ва унутилмас учрашувлардан холи эмас. Энг гўзал дийдорлар, соғинчли суҳбатлар айни учинчи — якуний китобда бўлса ажаб эмас!

**Ғулом КАРИМ**

*Мутолаа*

# ОҒРИҚЛИ ҲУЗУР

Ярим асрдирки, Чингиз Айтматов ижод қилади. Ярим асрдирки, Чингиз Айтматов асарларини интизорлик билан кутадиган китобхонлар бор. Ажаб, XX асрнинг 60 — 70-йилларида бу адибнинг ўқувчилари кўпайгандан кўпайди. 80-йиллардан бошлаб улуғ санъаткор уларни «синов» қила бошлади: фалсафий-мушоҳадаталаб асарлар яратди.

«Қиёмат», айниқса, «Кассандра тамғаси» романлари ўқувчиларни «сара» ва «пучак»ка ажратди. Лекин, барибир, Ч.Айтматов маҳбубул қулуб — санъаткор бўлиб қолаверди. Унинг «Ҳаёт-мамот» («Жаҳон адабиёти» журнали, 2005 йил март сони) ҳикояси китобхон учун байрам бўлди. Нисбатан кичик асарда қалбларни ўртайдиган фалсафа ифодаланган.

Уруш — бадиий адабиётнинг кўҳна, ҳамиша долзарб мавзуи. «Жамила», «Момо ер», «Алвидо, Гулсари», «Асрга татигувли кун» асарларида ёзувчи урушни, қон кечганлар тақдирини, уруш туфайли руҳий, жисмоний мажруҳ бўлганлар ҳаётини тасвирлаган.

«Ҳаёт-мамот» ҳикоясида «ҳарбий театр», «қонга қоришган саҳна» бир зум кўрсатилади-да, шу театрда иштирок этиш учун келаётган саратовлик янги жангчилар таркиби таништирилади. Ҳикоянинг бош қаҳрамони — Сергей Воронцев 19 ёшли покиза йигитча. Унинг соддаю самимийлигини, ишонувчанлигини, қалбида улкан бир муҳаббат яширинганини кўпчилик дарҳол билиб олади. У «қонга қоришган саҳна»да иштирок этиш учун бораётганидан андуҳ чекмайди, у билан жангга бораётганлар қартабоз, сўконғич, бўлар-бўлмасга баҳслашаверадиганлар эканидан азият чекмайди. У эртаю кеч очиқ эшикдан нари кетмай — рус табиатини мароқ билан томоша қилади: «сигирга миниб олган девона» қилмишидан завқланади, қудуқ томига ишланган нақшларни кўриб қувониб кетади. Сергей бўш-баёв эмас, ишонувчан, одамларни қадрлайдиган йигитча. Бир кўрган одам борки, уни ёқтириб қолади. Аммо Сергей бунга эътибор бермайди. Йўқ, икки бор у қизиқувчиларга қалбини очаёзган. Бир марта у Наташа-Коминтеркани севиб қолаёзди. Наташа ғирт тарғиботчи, одамни ўзига маҳлиё қилувчи қиз эди. У бир гал Сергейни рақсга таклиф қилди. Рақс давомида содда йигитнинг нақ қалбига кириб олаёзди. Сергей Наташага маҳлиё бўлди, унга мактублар ёзди. Кейин билсаки, Наташа уни сира қалбига яқин олмаган экан. Коминтерка сифатида ўз ролини аъло даражада ўйнаган экан. Мана шундай коминтеркалар салкам бир аср давомида халқни лақиллатиб келдилар.

Сергей диққатини тортганлардан яна бири — лўли қиз. У ҳам, Коминтерка сингари, лаби-лабига тегмай Сергей атрофида гирдикапалак бўлади. Тўс-тўполонда Лўли қиз йўқолиб қолади. Жангчилар вагонларга жойлашиши олдидан у яна пайдо бўлиб, Сергейга чиппа ёпишиб олади. Қўярда қўймай фол очади. Сергей қалбида жойлашиб қолган жумбоқларни пайдо қилди: «Ўлмас — ўчмас юлдуз-чи? Бу қанақа юлдуз? Унинг нима дахли бор? Бу нима? Бу юлдуз ўзи қаерда? Қай ерда макон топган? Балким, буларнинг бари афсонадир. Шундай бўлса керак. Юлдузнинг инсонга нима алоқаси бор?... Юлдузлар ўз осмонида, одамлар ўз ерида. Аммо тақдир бор-ку? Тақдир тақдирга боғлиқ. Тақдирнинг ўзи нима? Тақдир тақдирни қандай етаклаб келади. Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин?». Айниқса, лўли қизнинг: урушда «қон сачрамаган фақат осмондаги қуёш қолади», деган гапи ҳикоянинг моҳиятига ишора.

Уруш ҳеч қачон икки фронт аро бўлмайди. Уруш ўз қаърига жамики тирик мавжудотни, тоғу тошни, дарёю денгизларни тортади. Санъаткор адиб муҳим масалаларни бир жумла иборага жойлаб ифодалайди. Уруш шундай даҳшатки, ҳатто «қушлар бола очиб чиқмаган тухумларини, полопонларини бемаврув ташлаб ўзга юртларга учиб кета бошладилар». Уруш туфайли «ўрмонлар аёвсиз ёнарди, асрий дарахтлар ерга қуларди», «Замин тинимсиз тўлғонар, титраб-қақшарди». Воажаб, урушнинг энг зўр полвонлари — самолётлар, танклар ҳам азоб чека бошлайдилар. Қушлар тўдаси самолёт ойнасига урилганда, оғир зарбадан учоқ «қаттиқ силкинди», «Танклардан бири жонига қасд қилгандай, дала ўртасида тумшуғини осмонга тик кўтарганича сув тўла жарга қулади».

«Ҳаёт-мамот» ҳикоясида нарсалар, табиат, персонажлар лўнда, ишонарли тасвирланади. Бошқача айтганда, ҳикояни асар структурасидаги тирик сўзлар, семантик белгилар тутиб тургандай. «Коминтерка» сўзи шунчалар аниқ, лўнда, теранки, у Наташанинг асл моҳиятини очиб беради. Лўли қизнинг Сергей ортидан эргашиши, бу йигит ҳақидаги ҳақиқатни айтишга шошилиши унинг кўнглидаги аллақандай улуғворликдан дарак беради. Тажрибасиз ёзувчи ўғлини урушга жўнатаётган она руҳини берилиб тасвирлаши мумкин эди. Ч.Айтматов бир оғиз гап билан имонли она ички оламини акс эттиради: «Серёжкагинам, фақат ҳеч кимни ўлдирма, қон тўкма!» Она нима деяётганини яхши билади: «Душманлар бизга ўлим келтиришмоқда, биз эса — душманларга! Кейин бу дунёда қандай бош кўтариб яшаймиз — ҳамманинг қўли қонга ботса, дунёда фақат қотиллар қолса?!»

Чингиз Айтматов барча асарларида, хусусан, «Қиёмат», «Кассандра тамғаси»да динининг улуғ ҳақиқатларини дунёвий қарашларга омухта ҳолда ифодалаган эди.

Карим Баҳриев таржимасида босилган «Ҳаёт-мамот» ҳикоясида инсоният дардиазоби бўлиб келаётган урушнинг моҳияти фалсафий-эстетик тарзда ҳал қилинади. Асарнинг бош қаҳрамони Сергей табиатни, одамларни севади. Юрагида улуғ муҳаббати бўлган зот ҳамиша худонинг суюкли бандаси бўлган. Сергей сингари одамлар бор экан, гўзаллик, самимийлик мудом яшаб келаверади. «Ҳаёт-мамот» ҳикояси китобхон қалбида қувонч, мусаффоликни юзага келтиради. Лекин бу мусаффолик оғриқли, армонлидир.

**Абдуғафур РАСУЛОВ**

# ЯНГИЛАНИШ ЭҲТИЁЖИ

*Китобингизни ўқидим*

Азим Суюн поэтик фикри халқона, ифода йўриғида ҳам халқчил шоир. Унинг аксар шеърлари халқ айтимлари каби содда, теран, улардай юқумли. Азим Суюн халқ оғзаки ижодидан таъсирланган, айни вақтда, ижодий қиёфасини сақлаб қола билган шоирдир.

Унинг «Эй дўст» деб номланган янги китобига кирган битикларда оёғи кечаги кундан узилмаган, шунинг учун ҳам бугун қадам босиши дадил ва шу икки сабабга кўра эртанги кундан катта умидлари бор киши руҳияти яққол кўриниб туради. Аслида, янги китобига кирган шеърларида ҳам шоир ўзининг доимий тасвир йўсинига содиқ қолган. Яъни у халқона қуйма фикр ва самимий туйғуларни халқ тилидаги сўзлар орқали халқчил тимсоллар воситасида акс эттиради:

**Эй дўст!**
**Кўриб турганим бу — илон қўрқаман,**
**Кўриб турибман-ку омон, қўрқаман.**
**Ёмон билганимда қўрқмас эдим ҳеч,**
**Яхши билганимдан ёмон қўрқаман.**

Кўринадики, шоир кузатганларини оммабоп тарзда, аммо чиройли тимсолларга таяниб ифода этган.




Жаҳон шеъриятидаги каби ўзбек поэзиясида ҳам шеърларнинг ҳажм жиҳатидан кичрайиш жараёни бораётганини кузатиш мумкин. Эндиликда кўпчилик ижодкорлар шеърда ҳамма нарсани айтиб қўймаслик керак, ўқувчини эстетик истеъмолчи эмас, балки маълум даражада шоирнинг шериги мақомига кўтариш зарур, деган тўхтамга келдилар. Негаки, ихчам шеърда ишорага зўр берилади. Кичик ҳажм бундай шеърга катта маъно юклаш имконини туғдиради. Ҳозирги кўпчилик шеърларда ҳодиса, мулоҳаза, кузатиш жараёни эмас, балки шу жараёнларнинг квитэссенцияси акс этмоқда. Турли шаклий изланишларга бепарвороқ бўлган Азим Суюндай шоир ҳам ана шу ҳодисадан четда қолмади. У фикр-туйғуларини поэтик ифодалашнинг ўзи учун қулай бўлган «қайирма» деб аталмиш усулини топди.

«Қайирма» сўзи шевада обдан етилган, тобига келган нарса, иш, ҳаракат, амал маъноларини англатади. Жумладан, қайирма патирни фақат тажрибали аёллargina ёпа олишади. Барча қизу келинлар ҳам бу ишнинг уддасидан чиқавермайдилар. «Қайирма» усулидаги шеърларнинг Азим Суюн ижодида айнан энди пайдо бўлгани ҳам шу билан изоҳланади. Муайян бир ҳаётий босқичдан ўтиб, етарли турмуш тажрибасига, поэтик маҳоратга эга бўлгандан кейингина шеърда ҳам аниқ юрак ҳароратини, ҳам фалсафий фикрчанликни уйғунлаштириш имкони пайдо бўлади. Шундагина шоирнинг шеърга кўчган туйғулари ўқувчиларига ҳам юқади.

Шоирнинг етти юз етти қайирмани ўз ичига олган «Эй дўст» номли китоби шеърий ҳикматлар тўпламига ўхшаб кетади. Лекин ўзи айтмоқчи:

**Азим Суюн муроди насиҳат эмас,**
**Инсон қалби кўзига кўзгу тутар, бас.**

Шоир ўқувчига ақл ўргатмайди, балки уни ўз кўнгли билан юзма-юз қилади. Бу шеърларда баъзан катта ҳаёт йўлини ўтаган кишининг хулосалари ифодаланса, гоҳида кўрганларидан ҳайратлари муҳрланади. Бу борада шоирга салгина ортиқчаси бор тўртлик ёки тўлиқ бўлмаган бешлик тарзидаги янгича шакл жуда қўл келган.

Диққатга молик жиҳати шундаки, шоир 707 қайирманинг ҳаммасида такрорланган «Эй дўст!» тарзидаги ундалманинг деярли ҳар бир шеърда ўзгача маънони ифодалашига эришган. «Эй дўст!» ундалмаси шунчаки шаклий оригиналлик мақсадида қўлланган хитоб эмас, балки ҳар бир шеърда акс этган туйғунинг залворини, фикрнинг салмоғини оширишга йўналтирилган поэтик унсурдир. У айрим ўринларда завқни, баъзан афсусни, баъзида аламни, гоҳида Яратганга мурожаатни, гоҳо дўстга чорловни англатади. Кўпинча «Эй дўст!» ундалмаси ўтган умр туфайли кишида пайдо бўлган ўксинишни ифодалайди. Бу хитоб аксар қайирмаларда замоний муносабат, яъни ёшлиги ўтиб кетаётган шоирнинг ачиниш туйғусини акс эттиришга хизмат қилган.

Айрим қайирмаларда кўпни кўрган шоирни ҳам ҳайратга солган поэтик ҳолат оригинал йўсинда акс эттирилган:

**Эй дўст!**
**Оқ бўйнига қора сочи ўралган,**
**Бир ўрами оқ тўшида таралган.**
**Бир хилқатким мармар ҳовуз бўйида**
**Ҳовуз бўйни унга қараб буралган.**

Бу сатрларда ўқувчи руҳий суратга эмас, ҳиссий жараённинг ўзига юзма-юз қилинган. Чунки тасвир жонли ва ҳаракатда. Чинакам гўзаликка лол бўлиб қарайверганидан бўйни буралган ҳовуз ҳолатининг кутилмаган тарздаги жонли ифодаси кишини айни вазиятнинг бевосита иштирокчисига айлантиради.

Маълумки, ижод учун бир хиллик, такрор фақат таназзулга элтгувчи йўл. Нафақат бошқанинг, балки ўзининг кашфиётларини такрорлаган ижодкор ҳам ютқазади. Азим Суюннинг, гарчи «қайирма» деб янгича номланган бўлса-да, бутун бошли китобдаги 707 шеърнинг бир поэтик жанрдаги асарлардан иборатлиги кишида: «Зериктириб қўймасмикан?» деган хавотирни уйғотади. Лекин шоирнинг сўзни чинакамига «қайирма» қилиб қўллай олиш маҳорати боис, кўриниши бир хил бўлган шеърларида деярли қайтариқ бўлмаслигига эришилган. У ҳар бир шеърда янгидан-янги руҳий ҳолатларни юқумли тарзда сувратлантиради, сезимларнинг ранг-баранг ҳолатини жилолантира билади:

**Эй дўст!**
**Саркаш кўклам эди, мен ва ёр икков,**
**Бир қирда турардик елвагай, лов-лов.**
**Ёмғир ёғиб берди, ёрга қарадим,**
**Ёмғирда ёнарди гулбадан олов.**

Шеърда руҳий ва ҳаётий ҳолат табиий чизилгани учун ўзгаларга ҳам англашимли ва юқумли чиққан.

Азим Суюн — некбин туйғулар эгаси. Шунинг учун ҳам у эзгуликнинг тантанасига ишонади. Шеърларда эзгулик енгиши учун яхши амалларга эҳтиёж инсон руҳига кўчиши кераклиги тасвир этилади. Унинг бу инончи қайирмаларда ҳам ўз ифодасини топади:

**Эй дўст!**
**Бир назардан эр тузалар,**
**Шаррос тинар — сел тузалар.**
**Битта ҳикмат менга аён:**
**Сўз тузалса, эл тузалар.**

Азим Суюн фақат фикр кишиси ва ўз менининг тафтишчисигина эмас. У — амал одами бўлгани учун ҳам қайирмаларга шунчаки дил изҳори деб қарамайди. Шу боис, айрим шеърларидаги романтик умидбахшлик оҳанглари ҳиссиёт натижаси эмас, балки прагматик ақлнинг хоссаси каби янграйди:

**Эй дўст!**
**Мен ҳикмат айтаман, арава жилар,**
**Деҳқон кетмонини елкага илар.**
**Тушиб кетар жаллод қўлидан болта,**
**Ҳукмдор адолат либосин кияр.**

Ноширлик нуқтаи назаридан жуда кўркам тайёрланган «Эй дўст» китобининг қурилишида эътироз уйғотадиган жиҳатлар ҳам бор. Чунончи, шеърларнинг рақамланиш ва жойлаштириш тартиби жиддийроқ ўйланмаган. Бизнингча, қайирмаларни ё биринчи ёки сўнгги ҳарфига қараб алифбо тартибида жойлаштириш ёхуд мазмунига кўра туркумлаш мақсадга мувофиқ эди. Эҳтимол, шоир қайирмалар устидаги ишини ҳали якунламагани учун уларнинг жойлаштирилишига унчалик эътибор бермагандир.

Бундан ташқари, айрим қайирмаларда тобиға етмаган мисралар, хирароқ ифодалар, тимсоллар ҳам учрайди. Лекин аксариятининг мағзи тўқ, бичими жойида. Шу боис, ўзини ўзи янгилашга интилаётган шоиримизнинг умидлари ишончга, ишончи амалга айланишини тилаймиз.

**Қозоқбой ЙЎЛДОШ**

*Театр*

# ҚАЙНОНА ЕНГИЛДИМИ?..

## Ёхуд Миллий академик драма театрининг сўнгги спектакли хусусида баъзи мулоҳазалар

Саҳна санъати Эркин Хушвақтовни ўзининг сеҳрли оламига чорлаганига деярли йигирма йил бўлди. Ўтган вақт мобайнида унинг тарихий мавзудаги «Машраб», фольклор-этнографик йўналишдаги «Чимилдиқ», «Қаллиқ ўйин», «Қирмизи олма» каби асарлари томошабинларга тақдим этилди. Драматург ижодига хос асосий хислат — халқимизнинг қадимий урф-одатларини тиклашга интилиш.

Драматургнинг Миллий академик драма театрида саҳна юзини кўрган «Андишали келинчак» спектакли руҳига кўра, аввалгиларидан бироз фарқ қилди. Тўғри, ушбу асарда ҳам халқимизнинг миллий хусусиятларидан бири — андишани кўрсатишга интилиш катта. Шу билан бирга, асарда бугунги кундаги баъзи ижтимоий муаммоларни ҳам кўтаришга ҳаракат мавжуд.

Ўзбек хонадонларидаги қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар асар ғоясига сингдирилган. Ушбу азалий ва абадий мавзуни ҳар бир оила ўзича ҳал қилади... Бу хонадонда ҳам келин-қайнона муносабатларини рисоладагидек деб бўлмайди. Хонадон соҳиби Қоплонбек ака қанчалик ҳаракат қилмасин, қайнона Қундузхоннинг келини хусусидаги фикри салбий. Тўғри, келин тонг отмасдан уйғонади, кўчага чиқиб сув сепади, супуради, кўринган қўшнига салом бериб сўрашади, ҳовлини тозалайди, сигир соғади, қўй-у қўзига ем беради, тагини тозалайди.. Бу унинг вазифаларидан бир шингили холос. Демак, зиддиятга ўрин йўқ. Зеро, қайнона қанчалик талабчан, қаттиққўл бўлмасин, келин шунчалик кўнгилчан, назокатли, итоатгўй. Ҳатто уни ҳар қанча ерга урса ҳам, бу ҳолатга нисбатан бош кўтармайди, аксинча янги-янги талабларни янада итоат билан бажаришга киришади.

Зиддият сабаби шуки, қайнонанинг кўнглида бир ғашлик бор. Аввало, келин олишда унинг нияти амалга ошмаган. Қўшнисининг қизини келин қилмоқчи эди-ю, афсус, ўғли айнан шунга уйланаман, деб туриб олди. Мана, орадан бир йилдан ошиқ вақт ўтибдики (аслида етти ой, ўн тўрт кун), келини ҳомиладор эмас. Бу Қундузхон наздида келинини ҳайдаб юбориб, ўғлини ўзи орзу қилган қизга уйлантиришга арзирли баҳона. Саҳнада, нима қилиб бўлса-да, ниятига етишишга енг шимарган қайнонани кўрамиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметова яратган қайнона шаддод, чўрткесар, талабчан, қаттиққўл, сўзининг икки қилинишини ёқтирмайдиган аёл.

Ёшлар эса бир-бирларини шунчалик самимий муҳаббат билан севадиларки, ҳавас қиласиз. Балки шу муҳаббат туфайлидир, келинчак (актриса Дилноза Кубаева) бу хонадоннинг барча қаттиқчилигига тишини тишига қўйиб чидаш беради. Буни хонадон эгаси Қоплонбек ака ҳам яхши тушунади.

Бир томондан Қундузхонни ўта андишасиз, калтабин, худбин, маданиятсиз аёллар сирасига киритиш мумкин эмас. У келинига қилаётган муомалани кўриб шундай хулосага келсангиз-да, қўни-қўшнилари билан мулоқотидан фикрингизни ўзгартирасиз. У бошқаларни тинглай биладиган, одамларга руҳий-маънавий ёрдам бера оладиган, барчага маслаҳат бериб, тўғри йўлга бошлайдиган аёл. Бироқ, келинига муносабатидан, хатти-ҳаракати ва қилиқларидан айтган сўзига ўзи риоя қилмайдиган, иккиюзламачи аёлдай таассурот уйғотади.

Қайнотанинг характери қайнонага тамомила қарама-қарши. Қайнота (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Каримов) маҳалла оқсоқоли, оғир, босиқ, ҳар бир гапини ўйлаб гапирадиган, инсофли, диёнатли одам. Барчага гапи ўтади-ю, ўз хотинига келганда... Бу образ орқали ақл билан ҳар қандай муаммони ечиш мумкинлиги таъкидланади.

Дилноза Кубаева ижросидаги келинчак кўпчиликка ўрнак бўларли. Ёшларимиз орасида ҳаётнинг оддий қийинчиликларига дош бера олмай, оиласининг бузилиб кетишига ҳам томошабин бўлиб қараб турадиганлар кўпайиб қолган бир вақтда бу каби образларнинг пайдо бўлиши эътиборли.

Бўш, баёв, ҳаётий қийинчиликлар олдида ўзини йўқотиб қўйган Мўмин ёки пул топиш мақсадида мардикорликка чиққан Турсунтош билан боғлиқ линияларда ижтимоий муаммони ечишга интилиш бор. Аёл кишининг мардикорчилик қилиб юриб, ахлоқсиз кимсалар қўлига тушиб қолаётганини муаллиф айнан юриш-туриши, гап сўзларида аёллик латофати йўқ Турсунтош қиёфасида кўрсатишга интилса, Мўмин мисолида ўзлигини йўқотган инсон қиёфасини очишга ҳаракат қилади.

Шу маънода актёр Собир Отажонов ижросидаги Мўмин образи диққатни тортади. Ижодкор Мўмин характерини атай ўта юмшоқ қилиб яратган. Зеро, айнан шу характери сабаб у турмушдаги зиддиятларга дош бера олмайди. Бу ерда драматург Қоплонбек тилидан «эркак киши замона ундай, замона бундай деб ўтирмайди, ҳаракат қилиши керак, қимирлаган қир ошар, деб бекорга айтмайдилар-ку», деган сўзларни ҳам бежиз ишлатмайди.

Асар хотимаси яхшилик билан тугайди. Келиннинг ҳомиладорлиги ҳақидаги хабар воқеалар йўналишини ўзгартириб, ечимни белгилайди. Бу воқеа сабаб содир бўлган ўзгаришлар айниқса қайнона хатти-ҳаракатларида жуда ёрқин кўзга ташланади. У атрофдагилардан кечирим сўрайди, барча хурсанд. Бор гап шу.

Бу каби ечим одамларни яхшиликка етаклаш ниятидан бўлса-да, у томошабинда шунга шунчамиди, деган ҳақли эътирозни туғдириши ҳам табиий. Бунга бош сабаб асарга танланган воқеа қамровининг торлигида. Бутун асарнинг мағзига битта келиннинг ҳомиладорлиги билан боғлиқ гап сингдирилган, холос. Қолган гаплар бош воқеага умуман алоқадор эмас.

Маълумки, драматик асар табиатига кўра саҳнада бирор бир «фавқулодда воқеа» (Иззат Султон) содир бўлиши, бу воқеа асар сюжетини ҳаракатга келтириб, уни ривожлантириб юбориши, бунинг натижасида такрорланмас характерлар ўз моҳиятини намоён этиб, зиддиятнинг томири билан ечилишига ёрдам бериши керак.

Агар шу талаблар билан ёндашадиган бўлсак, «Андишали келин»да драматик жанр талабларига жавоб берадиган зиддиятнинг ўзи йўқ. Агар зиддият келин ва қайнона ўртасига қурилиши назарда тутилган бўлса, у амалга ошмаган. Хусусан, қайнона ва келин ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашиши учун қайнона қанча «ҳаракат қилиб», шароит яратмасин, келин бунга йўл қўймайди. Ҳар қандай шароитда у қайнонаси кўнглини топишга интилади.

Тўғри, бу зиддиятни кескинлаштириш учун маълум бир воситалар ҳам ишга солиниши мумкин эди. Хусусан, кетма-кет кириб келувчи қўшнилар хатти-ҳаракати орқали. Гапнинг очиғи, ҳар бир образ маълум маънода ўзига хос бўлса-да, уларнинг асар воқеаларидаги ўрни аниқ белгиланмагани сезилади. Бинобарин, уларнинг бу хонадонга нима учун кириб келаверишлари асосланмаган. Тўғри, улар хонадон келини чевар бўлгани сабаб тез-тез кириб турадилар, деб асослаш мумкин. Лекин қўшнилар ўз ҳаракатлари билан бош воқеа ривожига бирор бир сезиларли таъсир кўрсатмайдилар. Демак, бу ҳам драматик жанр талабларига риоя қилинмаганининг яна бир исботидир.

Энди характерлар табиатига тўхталсак. Бош қаҳрамон — Саида Раметова яратган қайнона образини олайлик. Унинг келинига муносабатини кўриб ўта қаҳрли аёл деб баҳо берасиз. Лекин қўни-қўшнилар билан мулоқотда уни анча кўнглингизга яқин оласиз. Қўшниларга маслаҳатлари маънили ва ўринли бўлган ҳолда, келинига муносабатларида умуман бошқа қиёфа касб этади.

Бу ҳолат танланган масала жуда юзаки ҳал этилганидан ҳам далолат беради. Зеро, асарга танланган воқеа ҳар қанча ҳаётий бўлмасин, унда кескинлик ва саҳна асарига хос зиддият етишмайди.

Маълумки, бадиий асар ҳаётнинг айнан ўзи эмас, балки унинг умумлашма, бадиий шакли бўлиши лозим. У ҳаётдагидан бир мунча мураккаб, зиддиятли, балки шунинг учун ҳам қизиқарлидир.

Актрисаларнинг хатти—ҳаракатларида ҳам индивидуаллик етишмайди. Деярли барча қаҳрамонлар сўз ўйини орқали мулоқотга киришади, ҳамма қўшиқ хиргойи қилади. Баъзилари ҳатто чет эл кинофилмларига тақлид ҳам қилади. Бундай кулги уйғотишга интилиш сабаб актрисалар жуда ноқулай вазиятларга тушадилар. Хусусан, актриса Муқаддас Холиқова асар қаҳрамони Мунисанинг эри ичиб келгандаги ҳолатини кўрсатиш учун Раж Капур ижро этган Дайди қиёфасига кириб, ҳинд филмидан олинган қўшиқ фонограммасида елкасига тугун осилган ҳассани қўйиб, қўшиқ куйлаши, гоҳ ерда думалаб, бу ҳаракати ила томоша залида кулги уйғотишга интилишини изоҳлашга тил ожиз. Бу ҳолатни жуда арзон кулги уйғотиш йўлидаги ҳаракат деб баҳолашдан ўзга чора йўқ. Бу ҳаракатларни агар ҳаваскорлик театрлари актёрлари бажаришганда, балки уларни тушунишга ҳаракат қилган бўлармидик..

Тўғри, асар бирмунча кассабоп, унга томошабинни жалб этиш ҳам осондир. Қолаверса, унда рол ижро этаётган актёрлар жуда иқтидорли, кўпларини эл ардоқлайди. Бироқ шундай иқтидорли санъаткорларни бу каби асарларга ҳадеб ўралаштириб қўйиш ҳолати Миллий академик драма театрига ярашадими, деган ҳақли эътироз туғилади. Саҳна санъати катта ҳаёт мактаби эканлигини, унда фаолият кўрсатадиган актёрлар «масхарабозлик билан эмас, балки мушаххислик билан» шуғулланишлари лозимлигини, шунингдек, улар «муаллими ахлоқ» (Маҳмудхўжа Беҳбудий) эканликларини унутмаслик керак. Бу фикрлар айтилган вақтдан борган сари узоқлашаётган бўлсак-да, назаримда, бугун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

**Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА**



Р.ИСЛОМОВ олган сурат.

*Учрашув*

**Тошпўлат МАТКАРИМОВ:**

# «ТИНГЛОВЧИНИ ТЕБРАНТИРУВЧИ ҚЎШИҚЛАРГА ОШИҚМАН»



Газетачилик қизиқ-да. Баъзан бир мавзуни узоқ ўйлайсан, ҳатто хаёлингда пишитиб юрасану, лекин ҳадеганда қоғозга тушавермайди. Баъзида эса бир ўйлаган фикрингни ёки ким биландир қилган суҳбатингни битта ўтиришда кўнгилдагидек ёзиб ташлайсан. Хуллас, ижодий жараённинг биз англаб-англамаган жиҳатлари кўп.

Хонанда Тошпўлат Маткаримов бугунги қўшиқ шинавандаларига яхши таниш. Янги куйлаб чиққан вақтларидаги «Санамжон» қўшиғи, менимча, ҳали ҳам кўпчиликнинг ёдида бўлса керак:

**Отанг мендан гадосан деб ор этар,**
**Кўзларимга кенг жаҳонни тор этар.**
**Билмам энди сенга кимни ёр этар,**
**Васлинг дилда армон бўлди,**
**Санамжон.**

Ўзига хос ширали овозда, ширин бир ўйноқи услубда айтилган бу қўшиқ ўша вақтда ёшлар тугул, катта ёшдагиларнинг ҳам юрагини жизиллатиб ўтган. Худди шу тарзда унинг «Ёғаётган ёмғирми, қорми?» қўшиғи ҳам янграган заҳоти шинавандалар тилига тушди ва бу хонандани янги-янги изланишлар сари чорлади.

Хуллас, ана шу хонанда билан бундан чамаси бир йиллар муқаддам суҳбатлашиб қолгандим. Ўшанда унинг бугунги аксарият ёш хонандалардан фарқли ўлароқ олифтагарчилик қилмай, оғир-босиқ, ўзини тутиб, ички бир маданият билан гаплашиши, саволларга камтарона жавоб бериши кўнглимга иликлик бағишлаганди. Қолаверса, Тошпўлатнинг характеридаги ва ижодидаги халқоналик, оддийлик ҳам хонандага ўзгача бир самимият бахш этганди.

Лекин, нимагадир, суҳбат анча вақтгача қоғозда қолиб кетди. Балки бунга хонанданинг баъзиларга ўхшаб «мақола қачон чиқади?» деб сўрамагани ёки таҳририятга телефон қилиб бизни безовта қилмагани сабаб бўлгандир. Ўзи журналист халқи шунақа бўлади: баъзан тихирликдан қутилиш учун бирор материални тезда ўзидан узоқлаштириб бериб юборса, баъзан яхши одамларнинг яхши амалларини суиистеъмол қилиб, мақола ёзишни кечиктириб юраверади. Ҳар ҳолда, Тошпўлат билан худди шундай бўлди, назаримда.

Бу йил Наврўз байрамидаги тантаналар мени Тошпўлат Маткаримов ижодига яна қайтарди. Байрам тадбирида у ижро этган халқ йўлидаги «Тоғ қизи» қўшиғини фақат боғга йиғилганлар эмас, балки телеэкран қаршисида ўтирганлар ҳам маза қилиб тинглашди. Қўшиқ бир жиҳатдан унинг бир вақт машҳур бўлиб кетган «Оҳангарон ўлани»ни эслатди менга. Балки соф ўзбекона, халқона йўналишдаги миллий қўшиқ бўлганидандир.

Ўланнинг тингловчи юракларига етиб боргани сабабларидан бири, эҳтимол, хонанданинг ўзи ҳам Оҳангарон туманининг Қорабалиқ қишлоғида туғилиб, вояга етганида бўлса ажабмас. Тошпўлатнинг болалиги машҳур хонанда Икромжон Бўронов ижоди гуллаган пайтга тўғри келди. Айниқса, унинг «Она» қўшиғини Тошпўлат мириқиб тингларди, юрагида қўшиқ айтиш билан боғлиқ аллақандай туйғулар ниш урарди. Юрган йўлида ўзига ёқиб қолган қўшиқларни хиргойи қилишга одатланди. Ундаги бу иштиёқни сезган мусиқа муаллими Баҳром Сатторов маслаҳатлари ва ёрдамини аямади. Турли тадбирларда, санъат байрамларида фаол қатнаша бошлади. Катта давраларда эса ўша пайтда урф бўлган Шерали Жўраев қўшиқларини куйлаб танилди.

Мусиқа билим юрти ва Маданият институтида олинган сабоқлар Тошпўлат Маткаримовга қўшиқчиликда ўз йўлини топиб олиш, ўз ижро услубини яратиш нақадар муҳим эканлигини англатди. Бирин-кетин тингловчиларга тақдим этилган «Байрам», (А.Орипов сўзи), «Тилак», (С.Саййид сўзи), «Бекор», «Меҳмон», (М.Тоиров шеърлари) каби қўшиқлар хонанданинг ижодий имкониятлари кенглигидан далолат берди. Муҳими, у ҳақиқий қўшиқ қандай дунёга келишини тушуниб етди.

— ***Яхши қўшиқнинг асоси — сўз,*** — дейди Т.Маткаримов. — ***Яна ҳам тўғрироғи, хонандага Яратгандан берилган иқтидор, унга қўшимча юксак савиядаги матн ҳамда миллий оҳангдангина дилкаш қўшиқ дунёга келади. Шу ўринда тингловчи диди ва савиясини, ёшини ҳам назарда тутиш керак. Баъзан, яхши қўшиқни ҳам кимдир ёқтиради, кимдир мутлақо ҳазм қилолмайди.***

**Менимча, ҳақиқий ўзбекона қўшиқ тингловчини тебрантира оладиган бўлиши лозим. Бизнинг халқимизга «оёқ ўйини» мусиқалари мутлақо ёт. Ҳозирги ёшларимиз ҳам, исташса-исташмаса, вақти келиб бундай мусиқалардан воз кечишлари табиий. Чунки ўзбек менталитети шуни тақозо этади.**

Хонанда бўш вақтини мутолаага бағишлайди. Аввало, шеърий китобларни кўздан кечиради, яхши матнлар учраб қолса, албатта, қўшиқ қилиш ҳақида ўйлаб кўради. Яна Абдулла Қодирий, Чўлпон, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов асарларини ўқишдан чарчамайди. Унинг санъаткор шахси ва унинг ижоди ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ўз қараши бор. ***«Хонанданинг ичи қанчалик тоза, беғубор бўлса, қўшиқ айтаётганида нафаси билан чиқадиган шу фазилатлар унинг хонишига гўзаллик, тоза руҳ бағишлайди,*** — дейди Тошпўлат Маткаримов. — ***Шуни ёдда сақлаш керакки, қўшиқ жамиятнинг бир бўлаги. Жамиятнинг асосини эса маънавият ташкил этар экан, бунда одоб-ахлоқ, панд-насиҳат руҳидаги қўшиқларга ҳам эҳтиёж кучаяди. Умуман, халқимиз табиатида ана шунга мойиллик бор. Шунинг учун мен Махтумқули каби маърифатпарвар шоирлар шеърлари билан қўшиқ куйлашни яхши кўраман.***

**Шунингдек, яхши одамлар суҳбатини ҳамиша соғиниб яшайман. Уларнинг суҳбати менга кўп нарса беради, ҳаёт ва ижодим мазмунини тўлдиради».**

Тошпўлатдан тўйларимизда ҳофизлар хизмати борасидаги фикрларини сўрадик.

**— Хонанданинг асосий вазифаси халққа хизмат қилиш экан, бунда, шубҳасиз, тўйларни ҳам назарда тутамиз. Чунки ҳеч бир тўйни санъаткорсиз тасаввур қилиб бўлмайди.**

**Лекин ана шу тўйларда қандай қўшиқлар билан хизмат қилиш аввало хонанданинг маданиятига, савиясига боғлиқ. Ўзини билган ва ҳурмат қилган одам ҳеч қачон тўйларда обрўсига путур етказадиган ашула айтмайди.**

***Кези келганда бир нарсага тўхталмоқчи эдим. Ҳозир истаган тўйда «бирровга» келибкетувчи хонандалар кўпайиб бораяпти. Бу албатта, биринчи навбатда тўй эгасининг чўнтагига боғлиқ. Лекин, барибир, меъёрни унутмаган маъқул. Биз халқ хизматидаги одаммиз. Агар яқинларимиздан бирортаси ёки танишлар таклиф этса, йўқ деёлмаймиз. Шунинг учун тўй қилаётганларнинг ўзи ширингина маросимни дискотекага, «кирди-чиқди»хонага айлантириб юбормаслик тадоригини кўриши керак. Ахир, тўй қилишдан мақсад — хонандалар кўригини уюштириш эмас-ку!***

Хонанданинг бу фикрларига қўшилмай иложим йўқ! Зеро, тўйда санъаткорни қалаштириб ташлаш ҳам бугунги кун талабларига зид, тўй ўтказиш одобига ёт бўлган ҳолатлардан бири — маънавиятсизликнинг белгисидир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов бугун айни ижод палласида. Яқинда марҳум шоир Муҳаммад Юсуф шеъри билан «Илк севги» (Акром Ибодуллаев оранжировкаси) номли қўшиғи устидаги ишларни ниҳоясига етказди. Олдинда эса хонандани янги ижодий ишлар кутиб турибди.

**Гулчеҳра УМАРОВА**

*Кўргазма залларида*

Рассом Акром Баҳромов рангтасвир санъатида самарали ижод қилиб, мухлислар олқишига сазовор бўлиб келаётган ижодкорлардан биридир.

А.Баҳромов рангтасвирнинг турли жанрларида ижод қилади. Унинг асарларини кўздан кечира туриб, табиат манзаралари ва турли натюрмортлар эътиборимни тортди. Уларда она юртимизнинг гўзал гўшалари меҳр-муҳаббат ила тасвирланади. Бу ҳақда рассомнинг ўзи шундай дейди:

— Болалик йилларим шаҳар чеккасидаги бобомнинг уйида — табиат қўйнида ўтгани боис манзара чизиш жони дилимдир.

# ОДДИЙ ҚАЛАМ МЎЪЖИЗАСИ



Она табиат аввал Акромнинг қалбини сеҳрлаб қўйди, сўнг унинг хаёлларидаги гўзал манзараларни қоғозга тушириш учун қўлига мўйқалам тутқазди. Она табиат она-да, уни севганларга, албатта, марҳамат кўрсатади. Рассом эса ўзига берилган марҳаматни эъзозлаб, аксарият гўзал табиатимиз манзараларини яратмоқда.

Плакатчи рассом Фарух Кагаров ижодидан олинган таассуротлар Акром чизган асарларда сезилиб туради. А.Баҳромов плакатлари ўта жиддий ва ҳозиржавоб бўлиб, давр руҳига жавоб беради. Айрим плакатларида гиёҳвандлик, терроризм, инсоннинг ахлоқий қусурларини фош қилса, экология мавзусидаги плакатларида эса она табиатни севишга, қадрлашга, асраб-авайлашга чорлайди. Ҳар бир плакат томошабинни ўйлантиради.

Рассом ижодида графикада чизилган асарлар ҳам алоҳида таҳсинга сазовор. Акром оддий қора қаламда мўъжиза яратиш мумкинлигини яна бир бор исботлади.

Китоб графикасига алоҳида меҳр қўйган рассом компютерда графика ва фото санъатини ҳамда рангтасвирни уйғунлаштириб, бир қанча асарлар яратмоқда. Яқинда Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида рассом таваллудининг эллик йиллиги муносабати билан 70 га яқин графика, плакат ва рангтасвир асарлари намойиш этилди.

А.Баҳромов кўпгина республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси. 1999 йили Паланга шаҳри (Литва)даги ижод уйида ижодий сафарда бўлди. Изланишда давом этаётган Акром Баҳромов асарлари нафақат юртимизда, балки олис мамлакатларда ҳам мухлислар қалбини забт этади, деган умиддамиз.

**Сарвара**

*Рассом ижодхонасида*

# ВАҚТ БИЛАН УЧРАШУВ

«Вақт» туркумига кирган «Кун ва тун», «Умр сониялари» картиналари моҳир мусаввир Ортиқали Қозоқовнинг кейинги йиллар ичида яратган, муҳим ижод маҳсули бўлган энг яхши асарларидир.

**— Ортиқали ака, қачон ҳузурингизга келмай ёки телефонда боғланмай ҳамиша устахонангизда, ижод билан машғул бўласиз. Баъзан чизаверишдан зерикмасмикин бу одам, деб ўйлаб қоламан. Рассом қўли чиқиб кетмаслиги учун тинмай чизадими ё энг яхши асарини яратиш учун?**



— Изланишдан, янги услублар топишдан чарчаган ижодкор том маънодаги ижодкор бўлолмайди. Талантнинг 99 фоизи меҳнат, деб бекорга айтишмаган, қолаверса, ҳаракатда — баракат, дейдилар. Ишим — менинг ризқим, обрўйим, келажагим. Асарларимга келсак, улар доим ҳам яратилавермайди. Бунинг учун йиллар керак бўлади.

Рассомнинг «Вақт ғилдираги» сурати олдида узоқ туриб қоламан. Ўзимга ўзим савол бераман. Вақт ўзи нима? Юзларингни силаб, елкаларинг оша чопиб ўтган шамолми? Вақт — қадим минорларнинг тўхтаб қолган гўзал сурати эмасми? Вақт — умр ғилдираги. У тинмай айланаётир. Чархлари юрагингдан, кўзларингдан ўтади. Вақт тегирмонида барча нарса майдаланиб, қумга айланади. Фақат муҳаббат рамзи бўлган олмаларгина бус-бутун турибди.

О.Қозоқовнинг янги асарларини бир нечта туркумга ажратиш мумкин. Сув мавзуидаги картиналар «Жийда гуллаганда», «Дарё соҳили», «Чорвоқ дарёси», «Сирдарё бўйлари», «Оқшом», «Бўзсув анҳори», «Баҳор тошкини» деб аталади. Бу асарлар қаршисида турган одамга сувнинг салқини урилгандек бўлади. Кўнглинг, севинчларинг баҳор тошқинларидек тошади.

Табиат манзаралари тасвирланган «Ҳовлимизда баҳор», «Водийда баҳор», «Настарин». «Ёз кунлари» картиналарида сўлим баҳор тасвири бор. Баҳор — мунис она. Дилбар келажак. Инсон дардларини аритгувчи малҳам. Бу суратларни ўриклари гуллаб, бодраб турган, яшил япроқлари шовуллаётган баҳорнинг бир бўлаги дейиш мумкин.

Фалсафий мазмундаги «Эврилиш», «Бўри», «Дутор», «Эркинлик» «Кураш» асарлари инсонни ҳаёт учун, яшаш учун курашга чорлайди.

**—Асарларингиздаги фалсафа ёшингиз билан боғлиқми ёки йиллар тажрибасими?**

— Инсон дунёга келган сониялардан бошлаб оламни кўришга, англашга ҳаракат қилади. Чақалоқ митти кўзлари билан атрофга, ўзининг бошида турган инсонга қизиқиш билан қарайди. Аста-секин нарсаларни ушлаб кўради. Рангларга, санъатга меҳр менга бобом Араббойдан ўтган бўлса ажаб эмас. Улар Санг қишлоғида биринчилардан бўлиб чолғу асбобларини ясаганлар. Деворларга манзарали расмлар солганлар.

Йилдан йилга ижодкор мукаммаллашиб, унинг ижоди ҳам сайқал топиб боради. Фалсафий мазмундаги асарларимда касбий билимим, тажрибам, меҳнатим, меҳрим қоришиқ деб ўйлайман.

— **Сиз илгари ҳам Темурий маликалар сиймосини яратгансиз. Янги асарларингизда тарихий мавзуга янгича ёндашув сезиляпти. Шулар ҳақида гапириб берсангиз?**

— Тўғри, Темурий маликалар сиймоси ижодимда янгилик эмас. Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллигига бағишлаб яна иккита янги асар яратдим. Бирида малика Гавҳаршодбегим, иккинчисида Сароймулкхоним тасвирланган. Бу суратларни чизишдан олдин тарихий асарларни қайтадан ўқиб чиқдим. Гавҳаршодбегим сиймосини яратишимга ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Она лочин видоси» асари туртки бўлди. Асар фонида мовий осмон. Гавҳаршодбегимнинг бир қўлида китоб. Ёнида севги рамзи бўлган олмалар.

«Сароймулкхоним» картинасида маликанинг хат ўқиётган ҳолати тасвирланган. У хатни бир ажиб қизиқиш билан ўқимоқда. Заминдан ёш ниҳол ўсиб, гуллаб келяпти. Орқа фонда маҳобатли чинор, аммо барглари заъфарон. Куз ранги инган барглар. Бу — умрнинг ўтиб бораётганидан нишона. Сароймулкхоним икки манзара ўртасида тасвирланган. У қизил, оқ рангдаги либосда. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий асарларида ёзилишича, Сароймулкхоним бу рангларни яхши кўрар экан.



Рассомнинг ёз манзаралари туркумига оид «Ёз неъматлари», «Наманган ноз-неъматлари», «Узум» натюрмортларини кўриб, беихтиёр ундаги меваларга қўлингни узатасан киши. Улар ҳақиқийдек туюлади.

Мўйқалам устаси Ортиқали Қозоқовнинг кўргазмалари кейинги йилларда Япониянинг Нагано шаҳрида, Германиянинг Любек шаҳрида, Москвада, ўзи туғилиб ўсган Поп туманида намойиш этилди.

Биз истеъдодларимиз, уларнинг ютуқлари билан фахрланадиган, йилт этган умид учқунини асраб-авайлайдиган, талантлиларни кўзимиз устига қўядиган халқмиз. Ўзбекистон Бадиий академияси олтин медали соҳиби, мусаввир Ортиқали Қозоқов ҳақида Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли шоиримиз Абдулла Орипов шундай ёзадилар: «Таниқли рассом Ортиқали Қозоқов ўз услубига эга. Мусаввир кашф этган ҳар бир рангда маълум бир фалсафий мазмун ифодаланади. Унинг ижоди мустақиллик йилларида янада юксак поғонага кўтарилди. Асрий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, адабиётимиздаги бадиий тимсоллар, миллий қадриятларимиз турфа ранглар орқали тасвирланади.

Мен Ортиқали Қозоқов келгусида ҳам Мустақил Ватанимиз тараққиёти, маданиятимиз ва маънавиятимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилишига ишонаман».

Рассомга ижодий парвоз, саломатлик тилаб, унинг ижодхонасидан чиқар эканман, кўзим беихтиёр яна «Вақт ғилдираги» картинасига тушди. Вақтнинг ўткир чархлари юрагимдан, кўзларим устидан ўтади.

**Д.ИСМОИЛОВА**

